

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг ҚАРОРИ **ПАХТА-ТҮҚИМАЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮГРИСИДА**

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва диверсификация қилиш, маҳсулотни қайта ишлаш саноатини ривожлантириш борасида олиб борилган изчил ислоҳотлар натижасида аграр соҳада фаолият юритишнинг янги тизими — кластер усули жорий этилди.

Қисқа давр мобайнида кластер усулида фаолият юритиш ўзининг ижобий томонларини кўрсатди ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ресурсларни тежайдиган техника ва технологияларни жорий этиш, қишлоқ жойларга саноатни олиб кириш ва янги иш ўринларини яратиш, юкори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, инфратузилмани ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг фаолиятида юзага келаётган тизимли муаммоларни бартараф этиш ва манфаатларини давлат бошқарув органларида ҳимоя қилиш борасида самарали механизмлар яратилмаган.

Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, пахта хом ашёсини чукур қайта ишлаш қувватларини кўпайтириш, ушбу жараёнга илмий асосланган усуллар ва интенсив технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек, пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятида юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш, уларнинг манфаатларини давлат ҳокимияти бошқарув органларида ҳимоя қилиш тизимини йўлга қўйиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳамда пахта-тўқимачилик кластерлари ташкилотчиларининг:

«Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмасини (кейинги ўринларда — Уюшма) ташкил этиш;

Уюшма тузилмасида тизимли муаммоларни бартараф этиш, маркетинг инновацияларини фаол жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, замонавий тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли ва устувор йўналишларини аниқлашни таъминловчи маслаҳат органи — Пахта-тўқимачилик кластерлари кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Уюшманинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини ҳамда улар томонидан лойиҳаларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш, уларнинг хуқуqlари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда хўжалик бирлашмалари билан ўзаро самарали ҳамкорликни ташкил этиш;

пахта-тўқимачилик кластерларини ҳудудларнинг салоҳияти янада ривожланиши истиқболларидан, хом ашё базаси, мавжуд инфратузилма, меҳнат ресурслари ва бозор конъюнктурасидан келиб чиқсан ҳолда жойлаштиришга кўмаклашиш;

пахта хом ашёсини етиштириш жараёнига илғор агротехнологиялар ҳамда ресурсларни тежайдиган техника ва технологияларни жорий этиш, шунингдек, пахта-тўқимачилик кластерлари билан фермер хўжаликлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг шаффоф механизмини яратиш;

юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш, пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини кенгайтириш ҳамда мазкур жараёнларга рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш;

пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини ривожлантириш учун унификацияланган имтиёз ва преференциялар қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши;

ички ва ташки бозорда маркетинг тадқиқотларини ташкил қилиш, тармоқни ривожлантиришнинг ўрта ва узок муддатли дастурларини ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, шунингдек, тармоқка бозор механизмларини кенг жорий қилиш;

пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини модернизациялаш, техник қайта жиҳозлаш, юқори унумли инновацион технологияларни жорий этишда инвестицияларни, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этишда пахта-тўқимачилик кластерларига кўмаклашиш;

пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини жадал ривожлантириш ва барқарор фаолият юритишига тўсиқ бўлаётган тизимли муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек, соҳага оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

3. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

пахта-тўқимачилик кластерлари Уюшма аъзолари ҳисобланади;

Уюшма ижро аппарати тузилмасини тасдиқлаш унинг муассислари умумий йиғилиши қарори билан амалга оширилади;

Уюшма раиси ва унинг ўринбосарлари муассисларнинг умумий йиғилиши қарори билан сайланади;

Уюшма фаолиятини жорий таъминлаш ва молиялаштириш аъзолик бадаллари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан самарали фойдаланиш, пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари ўртасида

ўзаро муносабатларни такомиллаштириш мақсадида пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, пахта-тўқимачилик кластерлари фаолияти идоралараро комиссия ҳамда ҳудудий ишчи гурухлар томонидан баҳоланади.

5. Қуйидагилар:

Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ;

Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини баҳолаш бўйича идоралараро комиссия таркиби **2-иловага** мувофиқ;

Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини баҳолаш бўйича ҳудудий ишчи гурухнинг намунавий таркиби **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансан.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда:

бир ой муддатда «Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмасининг белгиланган тартибда ташкил этилишига;

икки ой муддатда «Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмаси уставининг тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилишига;

«Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмаси ижро этувчи аппарати тасдиқланган тузилмага ва штатлар жадвалига мувофиқ пухта танлов асосида юқори малакали мутахассислар билан тўлдирилишига кўмаклашсингилар.

7. Уюшма Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси билан биргаликда икки ой муддатда 2020-2021 йилларда пахта тозалаш заводларини модернизация қилиш ва янги қувватларни ишга тушириш, ип-йигирав, матони тўқишиш ва бўяш, тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, чигитни кайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, агрологистика ва чорвачилик комплексларини ташкил этиш, сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш, қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш бўйича ҳар бир пахта-тўқимачилик кластерлари бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi ва вилоятлар ҳокимликларининг ҳудудларда фаолият юритаётган пахта-тўқимачилик кластерлари хузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Инновацияларни, илм-фан ютуқлари ва янгиликларини жорий этиш бўйича илмий марказлар (кейинги ўринларда — Илмий марказлар)ни босқичмабосқич ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансан.

9. Белгилаб қўйилсанки, Илмий марказларнинг фаолияти пахта-тўқимачилик кластерлари қошида олий таълим ва илмий муассасалар билан ҳамкорлик асосида пахтачиликдаги долзарб муаммоларнинг илмий ечимида қаратилган тадқиқот ва тажриба-конструктурлик ишларини йўлга қўйиш, илм-

фан янгиликлари ва ресурсларни тежайдиган инновацион технологияларни жорий этиш орқали ерлардан самарали фойдаланиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга йўналтирилади.

10. Қуидагилар Илмий марказларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, сувни тежайдиган технологияларни ва мақбул алмашлаб экиш тизимини жорий қилиш;

ғўзани янги турдаги минерал ва органик ўғитлар билан замонавий агротехнологияларни қўллаган ҳолда озиқлантириш, пахта этиштирувчиларга ғўзани касалликлар, зааркунанда ҳашоратлардан ҳимоя қилишнинг биологик ва экологик жиҳатдан хавфсиз уйғунлашган кураш усусларидан фойдаланиш бўйича маслаҳат ва тавсиялар бериш ҳамда хизмат кўрсатиш;

Organic ва Global G.A.P. халқаро стандартлари талабларига мувофиқ пахта хом ашёсини этиштириш ҳамда тайёр маҳсулот экспорти географиясини кенгайтириш бўйича чораларни кўриш;

пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини ривожлантиришнинг яқин ва узоқ муддатларга мўлжалланган истиқболли дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

соҳада рақамли технологияларни кенг татбиқ этиш, пахта хом ашёсини этиштиришда қўл кучини камайтириш, агротехник тадбирларни механизациялаштириш даражасини ошириш, маҳаллий ва хорижий давлатларнинг олий таълим ва илмий муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, давлат илмий-техник дастурлари доирасида эълон қилинган грант лойиҳалари танловларида иштирок этиш;

ғўзанинг янги серҳосил, эрта пишар нав ва дурагайларини синаш ҳамда танлаш, уларнинг уруғчилигини кенг йўлга қўйиш бўйича илмий-тадқиқотларни амалга оширишда иштирок этиш;

фермер хўжаликлари раҳбарлари ва агрокластерларнинг мутахассислари учун илмий асосланган замонавий агротехнологияларни кенг татбиқ этиш бўйича кўргазмали семинар-тренинглар ташкил этиш.

11. Қуидагилар:

Инновацияларни, илм-фан ютуқлари ва янгиликларини жорий этиш бўйича илмий марказларни ташкил этадиган пахта-тўқимачилик кластерлари рўйхати **4-иловага** мувофиқ;

Инновацияларни, илм-фан ютуқлари ва янгиликларини жорий этиш бўйича илмий марказларнинг намунавий тузилмаси **5-иловага** мувофиқ тасдиқлансан.

Бунда, рўйхатга киритилмаган пахта-тўқимачилик кластерларида 2023 йилга қадар босқичма-босқич Илмий марказлар ташкил этилади.

12. Илмий марказлар ташкил этадиган пахта-тўқимачилик кластерлари «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда икки ой муддатда Илмий марказларнинг вазифалари доирасида

ишлиарни амалга ошириш учун замонавий жиҳозланган ўқув-лаборатория хоналарини ташкил этиш, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш бўйича ташкилий чора-тадбирларни амалга оширсин.

13. Белгилансинки:

Илмий марказларнинг бино ва иншоотларини сақлаш, шунингдек, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларини молиялаштириш, таркибида Илмий марказлар ташкил қилинган пахта-тўқимачилик кластерларининг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади;

пахта-тўқимачилик кластерлари хузурида ташкил этилган Илмий марказларга илмий муассасалар фаолиятига оид қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёз ва преференциялар татбиқ этилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги:

пахта-тўқимачилик кластерларига босқичма-босқич Илмий марказларни ташкил этишга кўмаклашсинглар;

республикадаги тегишли олий таълим ва илмий муассасалар билан Илмий марказлар ўртасида ҳамкорлик ўрнатилишини таъминласинглар.

15. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги уч ой муддатда Илмий марказлар билан ҳамкорликда фаолият юритадиган олий таълим ва илмий муассасалар томонидан шакллантириладиган мавзулар доирасида 2021 йил учун мақсадли танловлар эълон қилиш ҳамда танлов натижаси бўйича белгиланган тартибда илмий лойиҳаларни молиялаштириш учун маблағлар ажратиш чораларини кўрсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Уюшманинг буюртманомаларига кўра, пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан жалб қилинаётган чет эллик мутахассисларга белгиланган тартибда кириш визалари расмийлаштирилиши (муддати узайтирилиши)га кўмаклашсинг.

17. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Уюшманинг буюртманомаларига кўра, пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан жалб қилинаётган чет эллик мутахассисларга кўп марталик визалар расмийлаштирилиши ва берилиши (муддати узайтирилиши)ни ҳамда вақтинчалик яшаш жойи бўйича вақтинчалик рўйхатга қўйилиши ва унинг муддати белгиланган тартибда узайтирилишини таъминласин.

18. Уюшма Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Шота Руставелли кўчаси, 8-й манзилидаги «Пахтасаноат илмий маркази» акциядорлик жамиятининг биносига текин фойдаланиш ҳукуқи асосида жойлаштирилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Уюшмани белгиланган тартибда зарур алоқа воситалари, шу жумладан ҳукумат алоқа воситалари билан ҳамда юқори тезликдаги жаҳон интернет ахборот тармоғига уланишини таъминласин.

20. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига Уюшма ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда пахта-тўқимачилик саноати тармоғида амалга оширилаётган

ислоҳотларни оммавий аҳборот воситаларида мунтазам равишида ёритиб бориш тавсия қилинсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Уюшмани статистик маълумотлар мажбурий тарқатиладиган реестрга киритсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги икки ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

23. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари Ў.И. Барноев, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев ва «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси раиси И.У. Хайдаров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 22 июнь,
397-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июндаги 397-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини баҳолаш тартиби
тўғрисидаги**

**НИЗОМ
1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом пахта-тўқимачилик кластерлари (кейинги ўринларда — кластерлар) фаолиятини баҳолаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қўйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

пахта-тўқимачилик кластери — бир ёки бир нечта мустақил юридик шахслар томонидан ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияларидан фойдаланган ҳолда пахта хом ашёсини етиштириш ёки шартнома асосида сотиб олишдан уни дастлабки қайта ишлаш, ип-калава, мато тўқиши, бўяш ва тикиш, иккиламчи маҳсулотларни (чигит, линт ва бошқалар) қайта ишлаш, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқаришгacha бўлган жараённи ўз ичига олган ҳамда ягона технологик занжирда бир нечта корхона ва ташкилотларни бирлаштирган ҳолда янги хўжалик юритиши тизимини шакллантириш усули;

пахта-тўқимачилик кластери иштирокчилари — ўзаро келишув асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органи билан кластер мақомини олиш тўғрисида битим тузган юридик шахслар;

пахта-тўқимачилик кластери инфратузилмаси — пахта хома шёсини етиштириш ёки шартнома асосида сотиб олиш, уни дастлабки қайта ишлаш, ип-калава, мато тўқиши, бўяш ва тикиш, иккиламчи маҳсулотларни қайта ишлаш, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва ташиш учун зарур бўлган бинолар, иншоотлар ва бошқа обьектлар йигиндиси;

пахта-тұқимачилик кластерлари фаолиятини баҳолаш мезонлари — пахта-тұқимачилик кластерлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш учун зарур бўлган талаблар.

2-боб. Пахта-тұқимачилик кластерлари фаолиятини баҳолаш йўналишлари ва мезонлари

3. Пахта-тұқимачилик кластерлари фаолияти қуйидаги йўналишлар бўйича баҳоланади:

пахта хом ашёсини етиширишдан бошлаб уни тайёр маҳсулот сифатида сотишгача бўлган ишлаб чиқаришнинг узлуксиз занжирини ташкил этиш даражаси;

ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, янги ва замонавий техника ва технологияларни қўллаш даражаси;

фермер хўжаликларининг манфаатдорлигини таъминланганлик даражаси;

пахта-тұқимачилик кластерлари фаолияти самарадорлиги билан боғлиқ бошқа масалалар.

4. Пахта-тұқимачилик кластерлари фаолиятини баҳолашда қуйидаги мезонларга эътибор қаратилади:

а) пахта хом ашёсини етиширишдан бошлаб уни тайёр маҳсулот сифатида сотишгача бўлган ишлаб чиқаришнинг узлуксиз занжирини ташкил этиш йўналишида:

пахта хом ашёсини қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш қувватларининг мавжудлиги;

замонавий ишлаб чиқариш қувватлари жорий этилганлиги;

пахта хом ашёсини қайта ишлашнинг узлуксиз занжири ташкил этилганлиги;

ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларининг мавжудлиги;

янги иш ўринлари яратилганлиги;

экспорт кўрсаткичининг юқорилиги;

маҳсулотларнинг сифатини назорат қилиш учун синов лабораториялари ташкил этилганлиги;

сифат тизимларини жорий этилганлиги;

маҳсулотлар сертификатлаштирилганлиги;

пахта-тұқимачилик кластерлари томонидан тўғридан-тўғри инвестицияларни ўзлаштирилиши;

келгуси йилда амалга оширилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳаларининг қиймати;

пахта-тұқимачилик кластери томонидан янги чорвачилик комплекси ташкил этилганлиги;

б) ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, янги ва замонавий техника ва технологияларни қўллаш йўналишида:

кластер фаолияти даврида ғўза қатор ораларига ишлов берувчи қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминланганлиги;

юқори унумли қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминланганлиги;

томчилатиб, ёмғирлатиб ва бошқа илғор сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилганлиги;

экин ерлари лазерли текислагичлар билан текисланганлиги;

қишлоқ хўжалигидан фойдаланишдан чиқиб кетган сугориладиган ерлар қайта фойдаланишга киритганлиги;

ирригация ва мелиорация обьектларининг ҳолати яхшиланганлиги;

тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича чоралар кўрилганлиги;

ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилганлиги;

илмий ишланмалар ишлаб чиқаришга татбиқ этилганлиги;

в) фермер хўжаликларининг манфаатдорлигини таъминлаш йўналишида: етказиб берилган пахта хом ашёси учун фермер хўжаликлири билан якуний ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилганлиги;

фермер хўжаликларига юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулот ҳисобидан қўшимча ҳақ тўланганлиги;

шартномада белгиланган ҳажмлардан ортиқча пахта хом ашёсини топширган фермер хўжалигига рағбатлантириш чоралари кўрилганлиги;

г) пахта-тўқимачилик кластерлари фаолияти самарадорлиги билан боғлиқ бошқа масалалар йўналишида:

пахта хом ашёсини етиштириш харажатларини молиялаштириш манбалари мавжудлиги;

суғурта тизимининг йўлга қўйилганлиги;

тижорат банкларидан олинган кредитларни қайтарилиши;

солик, бошқа мажбурий тўловлар ва иш ҳақидан қарздорлиги.

3-боб. Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини баҳолаш тартиби

5. Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини баҳолаш:

пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини баҳолаш бўйича идоралараро комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) ва ҳудудий ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳ) томонидан ҳар йили 25 декабрга қадар амалга оширилади;

пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан тақдим этилган маълумотлар, шунингдек, заруратга кўра, жойига чиққан ҳолда аниқланадиган ҳолатлар орқали амалга оширилади.

6. Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини баҳолаш ушбу Низомга **1-иловага** мувофиқ схемага асосан ташкил этилади.

7. Ҳар йили 15 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимларни томонидан мазкур қарор билан тасдиқланган намунавий таркибга мувофиқ Ишчи гурухи ташкил этилади.

8. Куйидагилар Ишчи гуруҳнинг вазифалари ҳисобланади:

ушбу Низомда белгиланган мезонлар асосида пахта-тўқимачилик кластерларидан, шунингдек, ваколатли давлат органлари ва муассасаларидан пахта-тўқимачилик кластерлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни олиш ва таҳлил қилиш;

заруратга кўра, жойига чиққан ҳолда пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини, шу жумладан лойиҳаларнинг амалга оширилиши, инфратузилма

объектларининг яратилиши, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш ҳолати, фермер хўжаликларининг манфаатдорлигини таъминлаш даражаси ва бошқа масалаларни ўрганиш;

Комиссия томонидан тақдим этилган жадваллар асосида маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш.

9. Ишчи гурӯҳ ҳар йили 5 декабрга қадар ўрганиш натижалари бўйича маълумотларни, шу жумладан Комиссия томонидан тақдим этилган жадваллар асосида таҳлилий маълумотлар ва уларни асословчи ҳужжатларни Комиссияга тақдим этади.

10. Кўйидагилар Комиссиянинг вазифалари ҳисобланади:

ушбу қарорда белгиланган мезонлар асосида пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини баҳолаш натижалари бўйича уларнинг фаолиятини такомиллаштириш ёки уларнинг пахта хом ашёсини етиштиришдаги иштирокини тўхтатиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

худудларнинг тупроқ-иклим шароити ва ривожлантириш истиқболларидан келиб чиқсан ҳолда пахта-тўқимачилик кластерларини ташкил этиш ва жойлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

пахта-тўқимачилик кластерларига ўз фаолиятини самарали ташкил этишда ташкилий-хуқуқий масалаларда кўмаклашиш;

пахта-тўқимачилик кластерлари фаолияти самарадорлигини ошириш, уларга зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ваколатли органларга киритиш;

пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришига бозор механизмларини кенг жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш учун ваколатли давлат органларига киритиш.

11. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, молиявий ва шартномавий муносабатларни ривожлантириш бош бошқармаси Комиссиянинг ишчи органи (кейинги ўринларда — Ишчи орган) ҳисобланади.

12. Ишчи органи қўйидагиларни амалга оширади:

Комиссия фаолиятини ташкилий-техник таъминлаш;

Комиссия аъзоларига кун тартибига киритилган масалалар, йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой ҳақида хабар бериш;

Комиссия йиғилиши учун материаллар тайёрлаш ва тарқатиш, иш юритишни амалга ошириш ва ҳужжатларни саклаш;

вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда Комиссия қабул қилган қарорлар ижросининг назорати ва мониторингини ташкил қилиш, тегишли маълумотларни ва таклифларни Комиссия raisiga тақдим этиш;

тушган хатларни кўриб чиқиш ва Комиссия ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар тайёрлаш.

Ишчи органи қонун хужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

13. Комиссия йиғилишининг материаллари Комиссия раисининг имзоси билан йиғилишгача камида 5 кун олдин ҳар бир Комиссия аъзосига етказиб берилади.

14. Вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва пахта-тўқимачилик кластерлари Комиссия ва Ишчи гурӯхнинг сўровига асосан тегишли маълумотлар ва хужжатларни беш кунда Комиссия ва Ишчи гурӯхга тақдим этади.

15. Ишчи гурӯх томонидан тақдим этилган таҳлилий маълумотлар ва хужжатлар Комиссия йиғилишида кўриб чиқилади.

Комиссия йиғилиши аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

16. Комиссия томонидан ҳар йили 25 декабрга қадар пахта-тўқимачилик кластерлари фаолияти ушбу Низомга [2-илловага](#) мувофиқ баллар асосида баҳоланади ва якуний хулоса чиқарилади.

17. Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолияти бўйича баллар қуидагича ҳисобланади:

пахтани етиштиришдан бошлаб уни тайёр маҳсулот сифатида сотишгacha бўлган ишлаб чиқаришнинг узлуксиз занжирини ташкил этиш даражаси — умумий баҳолаш кўрсаткичининг 50 фоизини;

ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, янги ва замонавий техника ва технологияларни қўллаш даражаси — умумий баҳолаш кўрсаткичининг 30 фоизини;

фермер хўжаликларининг манфаатдорлигини таъминланганлик даражаси — умумий баҳолаш кўрсаткичининг 10 фоизини;

пахта-тўқимачилик кластерлари фаолияти самарадорлиги билан боғлиқ бошқа масалалар — умумий баҳолаш кўрсаткичининг 10 фоизини ташкил этади.

Бунда фермер хўжаликларининг манфаатдорлигини таъминланганлик даражасига устуворлик берилади ҳамда Комиссия томонидан ушбу йўналиш доирасида 70 фоиздан кам кўрсаткичга эришган пахта-тўқимачилик кластерларининг пахта хом ашёсини етиштиришдаги иштирокини тўхтатиш масаласи кўриб чиқилади.

18. Комиссия хулосасида пахта-тўқимачилик кластерларининг фаолиятини баҳолаш натижалари, шу жумладан уларнинг фаолиятини такомиллаштириш ёки пахта хом ашёсини етиштиришдаги иштирокини тўхтатиш бўйича аниқ тавсиялар кўрсатилади.

Комиссия хулосаси йиғилиш баённомаси билан расмийлаштирилади.

19. Комиссия хулосасида пахта-тўқимачилик кластерининг пахта хом ашёсини етиштиришдаги иштирокини тўхтатиш тавсия этилган тақдирда, ушбу ҳолатни асословчи ҳолатлар кўрсатилади ва тегишли хужжатлар баённомага илова қилинади.

20. Комиссия хulosаси ижросини таъминлаш учун Ишчи органи томонидан уч кун муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлариға, шунингдек, манфаатдор вазирликлар ва идораларга тақдим этилади.

21. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Комиссия хulosаси асосида пахта хом ашёсини етиштиришдаги иштирокини тұхтатиш тавсия этилган пахта-тұқымачилик кластерини пахта хом ашёсини етиштиришдаги иштирокини тұхтатиши, шунингдек, ушбу ҳудудларда пахта-тұқымачилик кластерини ташкил этиш учун янги ташаббускорларни аниқлаши лозим бўлади.

Бунда пахта-тұқымачилик кластерини ташкил этиш бўйича ташаббускорларга оид хужжатлар Комиссия томонидан кўриб чиқилади ва тегишли тавсиялар берилади.

4-боб. Якунловчи қоида

22. Ушбу Низомда тартибга солинмаган масалалар Комиссия томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган тартибда кўриб чиқилади.

Пахта-тұқымачилик кластерлари фаолиятини баҳолаш тартиби
тўғрисидаги **НИЗОМГА**
1-ИЛОВА

Пахта-тұқымачилик кластерлари фаолиятини баҳолаш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддат
1-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари	Тасдиқланган намунавий таркибга мувофиқ ҳудудий ишчи гурухларнинг таркибини тасдиқлайди	15 ноябрга қадар
2-босқич	Вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органдары, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органдари ва пахта- тұқымачилик кластерлари	Худудий ишчи гурухнинг сўровига асосан тегишли маълумотлар ва хужжатларни ҳудудий ишчи гурухга тақдим этади	5 кунда
3-босқич	Худудий ишчи гурухи	Пахта-тұқымачилик кластерлари фаолиятини	5 декабрга қадар

		ўрганиш натижалари бўйича таҳлилий маълумотлар ва уларни асословчи хужжатларни Комиссиянинг ишчи органига тақдим этади	
4-босқич	Комиссиянинг ишчи органи	Худудий ишчи гурух томонидан тақдим этилган таҳлилий маълумотлар ва хужжатлар асосида Комиссия йиғилиши материалларини тайёрлайди ва Комиссия аъзоларига етказади	йиғилишгача камида 5 кун олдин
5-босқич	Комиссия	Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини баҳолайди ва якуний хulosса чиқаради	25 декабрга қадар
6-босқич	Комиссиянинг ишчи органи	Комиссия хulosасини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига, шунингдек, манфаатдор вазирликлар ва идораларга етказади	3 кун муддатда
7-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари	Комиссия хulosаси асосида пахта хом ашёси етиштиришдаги иштирокини тўхтатиш тавсия этилган пахта- тўқимачилик кластерининг пахта хом ашёси этиштиришдаги иштирокини тўхтатиш чораларини кўради, шунингдек, ушбу худудларда пахта- тўқимачилик кластерини ташкил этиш учун янги ташаббускорларни аниқлайди	белгиланган муддатларда

8-босқич	Комиссия	Пахта-тўқимачилик кластерини ташкил этиш бўйича янги ташаббускорларга оид хужжатларни кўриб чиқади ва тегишли тавсиялар беради.	икки ҳафта муддатда
----------	----------	---	---------------------

**Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини баҳолаш тартиби
тўғрисидаги **НИЗОМГА**
2-ИЛОВА**

**Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини баҳолаш бўйича
РЕЙТИНГ БАЛЛАРИ**

Т/ р	Баҳолаш мезонлари	Рейтинг кўрсаткичлар	Рейти нг балла ри	Маълумот тақдим этувчи субъект
I. Пахта хом ашёсини етиштиришдан бошлаб уни тайёр маҳсулот сифатида сотишгacha бўлган ишлаб чиқаришнинг узлуксиз занжирини ташкил этиш				
1.	Пахта хом ашёсини қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш қувватларининг мавжудлиги	Фақат пахта хом ашёсини қабул қилиш маскани мавжуд бўлганда	1 балл	Маҳаллий давлат хокимияти органлари, «Давергеодезкада стр» давлат кўмитасининг худудий бўлинмаси, пахта-тўқимачилик кластерлари
		Сотиб олиш шарти билан пахта хом ашёсини қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш қувватлари мавжуд бўлганда	2 балл	
		Пахта хом ашёсини қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш қуввати янгидан барпо этилганда	4 балл	

Т/ р	Баҳолаш мезонлари	Рейтинг кўрсаткичлар	Рейти- нг балла- ри	Маълумот тақдим этувчи субъект
2.	Замонавий ишлаб чиқариш кувватлари жорий этилганлиги (<i>тайёр маҳсулотга нисбатан</i>)	1000 тоннадан 3000 тоннагача жорий этилганда	1 балл	Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, пахта-тўқимачилик кластерлари
		3001 тоннадан 5000 тоннагача жорий этилганда	3 балл	
		5001 тоннадан 10000 тоннагача жорий этилганда	5 балл	
3.	Пахта хом ашёсини қайта ишлашнинг узлуксиз занжири ташкил этилганлиги	Пахта хом ашёсини тозалаш корхонаси, ип-йигириув фабрикаси мавжуд бўлганда	1 балл	Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, пахта-тўқимачилик кластерлари
		Пахта хом ашёсини тозалаш корхонаси, ип-йигириув, матони тўқиши ва бўяш фабрикаси ҳамда ёғ-мой корхонаси мавжуд бўлганда	3 балл	
		Пахта хом ашёсини тозалаш, ип-йигириув, матони тўқиши,	5 балл	

Т/ р	Баҳолаш мезонлари	Рейтинг кўрсаткичлар	Рейти- нг балла- ри	Маълумот тақдим этувчи субъект
		бўяш ва тикув фабрикаси, ёғмой корхонаси, агрологистика ва чорвачилик комплекслари мавжуд бўлганда		
4.	Ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларининг мавжудлиги	10 турдаги истеъмол товарлари мавжуд бўлганда	1 балл	Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, пахтатўқимачилик кластерлари
		11 — 50 турдаги истеъмол товарлари мавжуд бўлганда	2 балл	
		51 — 100 турдаги истеъмол товарлари мавжуд бўлганда	4 балл	
5.	Янги иш ўринлари яратилганлиги (<i>меъёрга нисбатан фоиз</i>)	20 фоиздан 40 фоизгacha яратилганда	1 балл	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг худудий бўлинмаси, пахтатўқимачилик кластерлари
		40 фоиздан 70 фоизгacha яратилганда	2 балл	
		70 фоиздан 100 фоизгacha яратилганда	4 балл	
6.	Экспорт кўрсаткичининг юқорилиги	5 млн АҚШ долларигacha	1 балл	Маҳаллий давлат ҳокимияти

Т/ р	Баҳолаш мезонлари	Рейтинг кўрсаткичлар	Рейти- нг балла- ри	Маълумот тақдим этувчи субъект
		5 млн АҚШ долларидан 10 млн АҚШ долларигача бўлганда	2 балл	органлари, пахта- тўқимачилик кластерлари
		11 млн АҚШ долларидан 25 млн АҚШ долларигача бўлганда	4 балл	
7.	Маҳсулотларнинг сифатини назорат қилиш учун синов лабораториялари ташкил этилганлиги	Халқаро стандартлар талаблари асосида замонавий синов ускуналари билин модернизация қилинганда	4 балл	Маҳаллий давлат хокимияти органлари, пахта- тўқимачилик кластерлари
8.	Сифат тизимларини жорий этилганлиги	ISO 9001 стандарти талабларига мувофиқ сифат менежмент тизимига расмийлаштири лган сертификати мавжуд бўлганда	1 балл	«Ўзстандарт» агентлигининг худудий бўлинмаси, пахта- тўқимачилик кластерлари
		ISO 14001 стандарти талабларига мувофиқ экологик менежмент тизимига	2 балл	

Т/ р	Баҳолаш мезонлари	Рейтинг кўрсаткичлар	Рейти- нг балла- ри	Маълумот тақдим этувчи субъект
		расмийлаштирилган сертификат мавжуд бўлганда		
		ОЕКО ТЕХ 100 стандарти талабларига мувофиқ сертификат мавжудлиги	4 балл	
9.	Маҳсулотлар сертификатлаштирилганлиги	Ишлаб чиқариладиган маҳсулотга мувофиқ сертификати мавжуд бўлганда	4 балл	Ўзстанарт» агентлигининг худудий бўлинмаси, пахта-тўқимачилик кластерлари
10.	Пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўзлаштирилиши	10 млн АҚШ долларигача ўзлаштирилган да	1 балл	
		11 млн АҚШ долларидан 50млн АҚШ долларигача ўзлаштирилган да	2 балл	Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, пахта-тўқимачилик кластерлари
		51 млн АҚШ доллари ва ундан юқори микдорда ўзлаштирилган да	4 балл	
11.	Келгуси йилда амалга оширилиши режалаштирилган	5млн АҚШ долларидан 10 млн АҚШ долларигача	1 балл	Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари,

Т/ р	Баҳолаш мезонлари	Рейтинг кўрсаткичлар	Рейти- нг балла- ри	Маълумот тақдим этувчи субъект
	инвестиция лойиҳаларининг қиймати	қийматда бўлганда		пахта- тўқимачилик кластерлари
		11 млн АҚШ долларидан 50 млн АҚШ долларигача қийматда бўлганда	2 балл	
		51 млн АҚШ доллари ва ундан юқори қийматда бўлганда	4 балл	
12 . .	Пахта-тўқимачилик кластери корхонаси томонидан янги чорвачилик комплекси ташкил этилганда	Шартли мол бош сони 300 бошдан 500 бошгача бўлганда	1 балл	«Ўзбекчорванас л» агентлигининг худудий бўлинмаси, тижорат банклари, пахта- тўқимачилик кластерлари
		Шартли мол бош сони 500 бошдан 1000 бошгача бўлганда	2 балл	
		Шартли мол бош сони 1000 бошдан 2000 бошгача бўлганда	3 балл	
		Шартли мол бош сони 2000 бошдан юқори бўлганда	4 балл	

**II. Ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, янги ва замонавий
техника ва технологияларни қўллаш**

1.	Кластер фаолияти даврида ғўза қатор ораларига ишлов	30 фоиздан 40 фоизгача	1 балл	Агросаноат мажмуи
----	--	---------------------------	--------	----------------------

Т/ р	Баҳолаш мезонлари	Рейтинг кўрсаткичлар	Рейти нг балла ри	Маълумот тақдим этувчи субъект
1.	берувчи қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминланганлиги	таъминланганда		устидан назорат қилиш инспекциясини нг худудий бўлинмаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг худудий бўлинмаси
		40 фоиздан 80 фоизгача таъминланганда	2 балл	
		80 фоиздан 100 фоизгача таъминланганда	3 балл	
2.	Юқори унумли қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминланганлиги	30 фоиздан 40 фоизгача таъминланганда	1 балл	Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясини нг худудий бўлинмаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг худудий бўлинмаси
		40 фоиздан 80 фоизгача таъминланганда	2 балл	
		80 фоиздан 100 фоизгача таъминланганда	3 балл	
3.	Томчилатиб, ёмғирлатиб ва бошқа илғор сувни тежайдиган сугориш технологиялари жорий этилганлиги (умумий сугориладиган майдонига нисбатан)	1 фоиздан 5 фоизгача жорий этилганда	1 балл	Худудий ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси
		6 фоиздан 30 фоизгача жорий этилганда	2 балл	
		31 фоиздан 50 фоизгача жорий этилганда	4 балл	
4.	Экин ерлари лазерли текислагичлар билан	10 фоиздан 30 фоизгача текисланганда	1 балл	«Давергеодезкада стр» давлат қўмитасининг

Т/ р	Баҳолаш мезонлари	Рейтинг кўрсаткичлар	Рейти нг балла ри	Маълумот тақдим этувчи субъект
	текисланганлиги (<i>жами ер майдонига нисбатан фоиз</i>)	31 фоиздан 50 фоизгача текисланганда	2 балл	худудий бўлинмаси
5.	Қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган суғориладиган ерлар қайта фойдаланишга киритилганлиги (<i>умумий ерига нисбатан</i>)	51 фоиздан 100 фоизгача текисланганда	3 балл	
		10 фоиздан 15 фоизгача фойдаланишга киритилганда	1 балл	«Давергеодезкада стр» давлат қўмитасининг худудий бўлинмаси,
		16 фоиздан 30 фоизгача фойдаланишга киритилганда	2 балл	Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг худудий бўлинмаси
6.	Ирригация ва мелиорация объектларининг ҳолати яхшиланганлиги	31 фоиздан 50 фоизгача фойдаланишга киритилганда	4 балл	
		10 фоиздан 25 фоизгача яхшиланганда	1 балл	Худудий ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси
		26 фоиздан 50 фоизгача яхшиланганда	2 балл	
7.	Тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича чоралар кўрилганлиги	51 фоиздан 10 фоизгача яхшиланганда	3 балл	
		1 балл бонитетгача оширилганда	2 балл	«Давергеодезкада стр» давлат қўмитасининг худудий бўлинмаси
8.		1 балл бонитетдан юқори оширилганда	4 балл	
		Ишлаб чиқариш	1 балл	Ахборот технологиялари

Т/ р	Баҳолаш мезонлари	Рейтинг кўрсаткичлар	Рейти- нг балла- ри	Маълумот тақдим этувчи субъект
Ахборот- коммуникация технологиялар и жорий этилганлиги		жараёни тўлиқ қамраб олинган ва тижорат банклари билан интеграциялаш ган		ва коммуникацияла- рни ривожлантириш вазирлигининг худудий бўлинмаси
		Ишлаб чиқариш ва транспорт жараёнлари тўлиқ қамраб олинган, тижорат банклари билан интеграциялаш ган	2 балл	
		Ишлаб чиқариш, транспорт, агротехнологик тадбирлар on- line назорат қилинади ва тижорат банклари билан интеграциялаш ган	3 балл	
9.	Илмий ишланмалар ишлаб чиқаришга татбиқ этилганлиги	Пахта хом ашёси етиштиришга татбиқ этилганда	1 балл	Қишлоқ хўжалиги ва озик-овқат таъминоти илмий ишлаб чиқариш маркази, пахта- тўқимачилик кластерлари
		Пахта хом ашёси етиштиришда ва уни қайта ишлашга	2 балл	

Т/ р	Баҳолаш мезонлари	Рейтинг кўрсаткичлар	Рейти- нг балла- ри	Маълумот тақдим этувчи субъект
		татбиқ этилганда		
		Хом ашё етиштиришдан уни қайта ишлиш ва чукур қайта ишлиш натижасида юкори қўшилган қийматли маҳсулот ишилаб чиқаришгacha татбиқ этилганда	3 балл	

III. Фермер хўжаликларининг манфаатдорлигини таъминланганлиги

1.	Етказиб берилган пахта хом ашёси учун фермер хўжаликлири билан якуний ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилганлиги	Якуний ҳисоб-китоб 30 фоизгача амалга оширилганда	1 балл	Тижорат банклари, пахта- тўқимачилик кластерлари
		Якуний ҳисоб-китоб 31 фоиздан 60 фоизгача амалга оширилганда	2 балл	
		Якуний ҳисоб-китоб 61 фоиздан 100 фоизгача амалга оширилганда	3 балл	
2.	Фермер хўжаликларига юкори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулот ҳисобидан қўшимча ҳақ тўлаганлиги	Соф фойданинг 5 фоизигача тўланганда	1 балл	Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, пахта-
		Соф фойданинг 5 фоизидан 10	2 балл	

Т/ р	Баҳолаш мезонлари	Рейтинг кўрсаткичлар	Рейти нг балла ри	Маълумот тақдим этувчи субъект
		фоизигача тўланганда		тўқимачилик кластерлари
3.	Шартномада белгиланган ҳажмлардан ортиқча пахта хом ашёсини топширган фермер хўжалигига рағбатлантириш чоралари кўрилганлиги	Соф фойданинг 10 фоизидан ортиқ тўланганда	4 балл	
		Фермер хўжаликлари томонидан ортиқча топширилган пахта хом ашёси учун белгиланган нархга қўшимча 15 фоиз устама тўлиқ тўланганда	1 балл	Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ҳудудий бўлинмаси, пахта-тўқимачилик кластерлари
		Ортиқча топширилган пахта хом ашёсини чукур қайта ишлашдан олинган ёғ, шрот ва шелуха маҳсулотлари фермер хўжаликларига тўлиқ етказиб берилганда	1 балл	
		??тиқ?? топширилган пахта хом ашёси учун белгиланган нархга қўшимча 15	3 балл	

Т/ р	Баҳолаш мезонлари	Рейтинг кўрсаткичлар	Рейти нг балла ри	Маълумот тақдим этувчи субъект
		фоиз устама тўлиқ тўланган ҳамда ушбу хом ашёни чуқур қайта ишилашдан олинган ёғ, шрот ва шелуха маҳсулотлари фермер хўжаликларига тўлиқ етказиб берилганда		

**IV. Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолияти самарадорлиги билан
боғлиқ бошқа масалалар**

1.	Пахта хом ашёсини етиштириш харажатларини молиялаштириш манбалари мавжудлиги	Имтиёзли ва тижорат кредитлари ҳисобидан	1 балл	Тижорат банклари, пахта- тўқимачилик кластерлари
		Тижорат кредити ва ўз маблағи ҳисобидан	2 балл	
		Ўз маблағи ҳисобидан	3 балл	
2.	Суғурта тизимининг йўлга кўйилганлиги	Ҳосилнинг 10 фоизидан 30 фоизигача суғурта қилинганда	1 балл	«Ўзагросуғурта » АЖнинг худудий бўлинмаси, пахта- тўқимачилик кластерлари
		Ҳосилнинг 31 фоизидан 50 фоизигача суғурта қилинганда	2 балл	
		Ҳосилнинг 51 фоизидан 100	3 балл	

Т/ р	Баҳолаш мезонлари	Рейтинг кўрсаткичлар	Рейти- нг балла- ри	Маълумот тақдим этувчи субъект
		фоизигача сугурта қилинганда		
3.	Тижорат банкларидан олинган кредитларни қайтарилиши	Олинган кредитнинг 50 фоизигача бўлган қисми ўз вақтида қайтарилиганда	1 балл	Тижорат банклари, пахта- тўқимачилик кластерлари
		Олинган кредитнинг 51 фоизидан 80 фоизигача бўлган қисми ўз вақтида қайтарилиганда	2 балл	
		Олинган кредитнинг 81 фоизидан 100 фоизигача бўлган қисми ўз вақтида қайтарилиганда	3 балл	
4.	Солиқ, бошқа мажбурий тўловлар ва иш ҳақидан қарздорлик даражаси	Қарздорлик мавжуд бўлганда	0 балл	Давлат солиқ қўмитасининг худудий бўлинмаси, тижорат банклари, пахта- тўқимачилик кластерлари
		Қарздорлик мавжуд бўлмагандаги	1 балл	

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июнданги 397-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини баҳолаш бўйича
идоралараро комиссия
ТАРКИБИ**

1. Ж. Ходжаев — Кишлоқ хўжалиги вазири, *идоралараро комиссия раиси*
2. Б. Абдуназаров — Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири
ўринбосари, *идоралараро комиссия раиси ўринбосари*
3. *Лавозими бўйича* — «Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмаси раиси, *идоралараро комиссия раиси ўринбосари*
4. А. Эргашев — Молия вазирининг ўринбосари
5. Ш. Вафаев — Инвестиция ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари
6. Б. Рўзибоев — Сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари
7. Ш. Ражаббоев — Инновацион ривожланиш вазирининг биринчи ўринбосари в.б.
8. К. Юлдашев — Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари
9. М. Мирзаев — Давлат солик қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
10. М. Рузметов — «Давергеодезкадастр» қўмитаси раисининг ўринбосари
11. С. Холхўжаев — Марказий банк раисининг ўринбосари
12. С. Бекенов — Давлат активларини бошқариш агентлиги директори
13. У. Жавлиев — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси бошлигининг ўринбосари
14. У. Салимов — «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ раисининг биринчи ўринбосари
15. А. Хайтов — Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси
16. И. Хайдаров — «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси раиси
17. *Келишув асосида* — Суғурта компаниялари
18. О. Тошпўлатов — Кишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлифи, *идоралараро комиссия котиби*
19. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари

Кенгаши ва вилоятлар
ҳокимликлари

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июнданги 397-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини баҳолаш бўйича ҳудудий
ишчи гуруҳнинг**

НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ

1. *Лавозими бўйича* — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ёки вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, *иичи гуруҳ раҳбари*
2. *Лавозими бўйича* — Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бўлинмаси бошлиғи, *иичи гуруҳ раҳбари ўринбосари*
3. *Лавозими бўйича* — «Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмасининг ҳудудий бўлинмаси бошлиғи, *иичи гуруҳ раҳбари ўринбосари*
4. *Лавозими бўйича* — Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг ҳудудий бўлинмаси бошлиғи
5. *Лавозими бўйича* — Молия вазирлигининг ҳудудий бўлинмаси бошлиғи
6. *Лавозими бўйича* — Инвестиция ва ташқи савдо вазирлигининг ҳудудий бўлинмаси бошлиғи
7. *Лавозими бўйича* — Сув хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бўлинмаси бошлиғи
8. *Лавозими бўйича* — Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ҳудудий бўлинмаси бошлиғи
9. *Лавозими бўйича* — Давлат солиқ қўмитасининг ҳудудий бўлинмаси бошлиғи
10. *Лавозими бўйича* — «Давергеодезкадастр» қўмитасининг ҳудудий бўлинмаси бошлиғи
11. *Лавозими бўйича* — Марказий банкнинг ҳудудий бўлинмаси бошлиғи
13. *Лавозими бўйича* — Давлат активларини бошқариш агентлигининг ҳудудий бўлинмаси бошлиғи
14. *Лавозими бўйича* — Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий бўлинмаси бошлиғи
15. *Лавозими бўйича* — Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ҳудудий бўлинмаси бошлиғи
16. *Келишув асосида* — «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси вакили
17. *Лавозими бўйича* — Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бўлинмаси бўлими бошлиғи, *иичи гуруҳ котиби*

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июнданги 397-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Инновацияларни, илм-фан ютуқлари ва янгиликларини жорий этиш
бўйича илмий марказларни ташкил этадиган пахта-тўқимачилик
кластерлари**
РЎЙХАТИ*

T/р	Пахта-тўқимачилик кластерлари номи	Пахта-тўқимачилик кластери жойлашган туман номи
Қорақалпоғистон Республикаси		
1.	«Bo'ston cluster» МЧЖ	Элликқалъа
Андижон вилояти		
1.	«Khantex group» МЧЖ	Қўрғонтепа
2.	«Saxovat teks» МЧЖ	Шаҳрихон
Бухоро вилояти		
1.	«Buxoro cotton textile cluster» МЧЖ	Ромитан
2.	«Mergan teks» МЧЖ	Қоракўл
Жиззах вилояти		
1.	«Jizzax Industrial To'qima» МЧЖ	Ш. Рашидов
Қашқадарё вилояти		
1.	«Koson baxt tekstil» МЧЖ	Косон
2.	«Oq saroy klaster» МЧЖ	Шаҳрисабз
Навоий вилояти		
1.	«Navbahor tekstil» МЧЖ	Навбаҳор
Наманган вилояти		
1.	«Art soft holding» МЧЖ	Мингбулоқ
2.	«Textile finance Namangan» МЧЖ	Учқўрғон
Самарқанд вилояти		
1.	«Maroqand sifat» МЧЖ	Нарпай
2.	«Maroqand sifat tekstil» МЧЖ	Иштиҳон

T/р	Пахта-тўқимачилик кластерлари номи	Пахта-тўқимачилик кластери жойлашган туман номи
Сурхондарё вилояти		
1.	«Angor surxon g'ururi» МЧЖ	Ангор
Сирдарё вилояти		
1.	«Poly tex Sirdarya» МЧЖ	Сайхунобод
Тошкент вилояти		
1.	«Tashkent cotton textile cluster» МЧЖ	Қуи Чирчиқ
2.	«APK Chinoz» МЧЖ	Чиноз
Фаргона вилояти		
1.	«Real-Trans-Logistic» УК	Учкўприк
2.	«Экспо коллор прин текс» МЧЖ	Тошлоқ
Хоразм вилояти		
1.	«Xorazm tex» МЧЖ	Хонқа
2.	«Textile finance Khorazm» МЧЖ ҚҚ	Шовот
21	Жами	

*Изоҳ. Илмий марказлар ташкил этадиган пахта-тўқимачилик кластерлари рўйхатига Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси билан келишилган ҳолда қўшимча ва ўзгартиришилар киритилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июндаги 397-сон қарорига
5-ИЛОВА

Инновацияларни, илм-фан ютуқлари ва янгиликларини жорий этиш бўйича илмий марказларнинг намунавий тузилмаси



*Изоҳ. Илмий техник кенгаши маркибига пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини такомиллаштириш, мавжуд муаммоларни илмий асосда ҳал этиши мақсадида уибу қарорга 2-илова билан тасдиқланган олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот ташкилотларининг етакчи илмий-педагог ходимлари ҳамда ишлаб чиқариши соҳасидаги тажрибали мутахассислар қўшимча тарзда жалб этилиши мумкин.

(Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.06.2020 й.,
09/20/397/0796-сон)